

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

---

**МАХМУДОВА АЗИЗА ПИРМАМАТОВНА**

**МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА  
ЭКОТУРИЗМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.11 - Маркетинг  
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Махмудова Азиза Пирмаматовна**

Маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш асосида экотуризм  
самарадорлигини ошириш .....3

**Махмудова Азиза Пирмаматовна**

Повышение эффективности экотуризма на основе использования  
маркетинговых исследований.....31

**Makhmudova Aziza Pirmamatovna**

The main features of marketing research to improve the efficiency of  
ecotourism.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАБИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

---

**МАХМУДОВА АЗИЗА ПИРМАМАТОВНА**

**МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА  
ЭКОТУРИЗМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.11 - Маркетинг  
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD /Iqt.1863 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Назарова Фотима Хакимовна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Эргашходжаева Шахноза Джасуровна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Наврўз-зода Бахтиёр Негматович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 233-60-01; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 239-28-27; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Д.М.Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., PhD

**Ш.Дж.Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, яшил иқтисодиётни ривожлантириш, “табиат-ишлаб” чиқариш уйғунлиги ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш шароитида экотуризм жадал ривожланаётган туризм тармоқларидан бирига айланмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра «экотуризмнинг йиллик ўсиш даражаси 30%ни, жаҳон туризми даромадларидаги улуши 10-15%ни ташкил қилади»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан бугунги кунда жаҳон амалиётида ҳудудлар экологик ва рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш, экотабиий ресурслар ва маданий меросларни асраш, аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишда экотуризмга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда туризм, жумладан, экотуризмни самарали ривожлантириш, туристик имкониятлар йўналишидаги миллий ва табиий салоҳиятдан унумли фойдаланиш ҳамда бу борадаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳаёт сифатини ошириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқоларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу туфайли, экотуризмни бошқаришнинг методологик асосларини тизим иштирокчилари манфаатларини уйғунлаштириш орқали такомиллаштириш, унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ҳамда миллий ва табиий имкониятларини жараёнга янада кенг жалб қилиш асосида ошириш, ностандарт иқтисодий-ижтимоий шароитларни эътиборга олган ҳолда экотуризмнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётдаги экотуризмнинг улушини ва самарадорлигини ошириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда туризм соҳасини, жумладан миллий боғлар, кўрикхоналар, давлат табиат ёдгорликлари, давлат буюртма масканлари ва туристик салоҳиятга эга табиий ҳудудларни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Туризм соҳасини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш»<sup>2</sup> устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Бу борада маркетинг тадқиқотларинидан самарали фойдаланган ҳолда экотуризм тизими асосини ташкил этувчилар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда «экотуризм» моҳиятига услубий ёндашувни такомиллаштириш, геоахборот тизимини экоҳудудларни ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари ва иқтисодий натижавийликни таъминлаш асосида такомиллаштириш, давлат кўрикхоналарини ўзига хос хусусиятлари асосида ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш (такомиллаштириш), экологик ва рекреацион туризм учун

<sup>1</sup> Travel & tourism global economic impact & issues 2017 // World travel & tourism council, United Kingdom, 2017.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони//lex.uz

салоҳиятли туристик ҳудудларни аниқлаш бўйича тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Экотуризмни ривожлантириш ва маркетинг тадқиқотлари муаммолари таҳлили L.Robert, A.David, Fennell, Martha Honey, David Weaver, Stephen Wearing, John Neil, Robert Fletcher<sup>3</sup> ва шу каби бошқа хорижлик олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан А.Дурович, Н.Кабушкин, В.Сенин, В.Квартальнов, Т.Христов, А.Чудновский, В.Федцов, В.Храбовченко, А.Дроздов, В.Борейко, Е.Джанджугазова, В.Чижов, И.Панов, А.Никулин, А.Иванов, В.Валевная, Н.Казанская, В.Ланина, Н.Марфенин, Н.Моралева, Е.Ледовских, Б.Шефтел<sup>4</sup> ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида

<sup>3</sup> Environmental Restoration and Design for Recreation and Ecotourism: Robert L. France, November 16, 2011 by CRC Press, 312 Pages.; Ecotourism: David A. Fennell- Routledge; 3<sup>rd</sup> edition (December 13, 2007), Simultaneously published in the USA and Canada by Routledge. 304 p.; Ecotourism and Sustainable Development Dr. Martha Honey, Island Press; 2 edition (August , 2008), 568 p.; Ecotourism 2nd Edition: David Weaver (Author), Wiley; 2<sup>nd</sup> edition 2008 y, 360 p.; Ecotourism 2nd Edition: Stephen Wearing, John Neil, Routledge; 2<sup>nd</sup> edition (March 25, 2009), 304 p.

<sup>4</sup> Дурович А. Маркетинговые исследования в туризме: Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2008. - 384 с.; Дурович А. Организация туризма. - СПб.: Питер, 2009. - 320 с.; Кабушкин Н. Менеджмент туризма. Минск: Новое знание, 2002. - 407 с.; Квартальнов В. Туризм: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003.- 320 с.; Сенин В. Организация международного туризма. М.: Финансы и статистика 2004. - 379 с.; Христов Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. - 3-е изд., испр. -М.: Издательский центр «Академия», 2007. - 288 с.; Чудновский А. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2007. -416 с.; Федцов В. Культура гостинично-туристического сервиса : учебное пособие. - Ростов н/Д: Феникс, 2008.-503 с.; Moraleva, N., Ledovskikh, E., and Sheftel, B., 2000. Ecotourism in Russian Nature Reserves: Possibilities, Problems, Perspectives.— In: Report of the International Expert Workshop «Case Studies on Sustainable Tourism and Biological Diversity». German Federal Agency for Nature Conservation.; Борейко В.Е. Дорога к заповеднику (Природоохранная пропаганда и экопросвещение в заповедных объектах).— М.:

туризм ҳамда экотуризмни ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Ўзбекистонда туризм ва экотуризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, Н.Т.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, Д.К.Усманова, А.Н.Норчаев, О.Х.Хамидов, У.Р.Матёқубов, А.К.Алимов, Н.Э.Ибадуллаев, А.А.Эштаев<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда экотуризм хизматларининг самарадорлигини ошириш тенденциясини илмий жиҳатдан асослаш, экологик ҳудудларнинг рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган маркетинг тадқиқотларини олиб бориш зарурати намоён бўлмоқда. Ушбу масалалар назарий тадқиқотлар ва амалий ечимлар даражасида ўз аксини қисман топган бўлса ҳам, аммо бевосита экотуризмнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Шу туфайли, бу борада илмий-тадқиқот

---

Экоцентр «Заповедники» —WWF, 1996.; Джанджугазова Е. Экотуризм: причина популярности и пути развития.— «Академические вести» (Приложение к газете «Вестник ГАСБУ), 1996, № 57; Дроздов А.В. Как развивать туризм в национальных парках России. Рекомендации по выявлению, оценке и продвижению на рынок туристских ресурсов и туристского продукта национальных парков. М., ЭкоЦентр «Заповедники», 2000.; Иванов А.Н., Валебная В.А., Чижова В.П. Проблемы рекреационного использования особо охраняемых территорий (на примере Долины гейзеров).—Вестник Моск. ун-та. Серия 5. География. 1995, №6.; Моралева Н.В., Дедовских Е.Ю. Опыт развития экологического туризма на российских охраняемых территориях.— В: «Сила тяготения», №3, 2000.; Никулин А.Е., Сербжинский Д.А. Методические рекомендации по организации экологических маршрутов. Межрегиональная Ассоциация независимых туроператоров Дальнего Востока. Альманах туристических технологий, №2, 2000.; Панов И.Н. Экологический туризм и его роль в устойчивом развитии территорий.— Вестник Московского университета, Сер. 5. География, 1998, № 6; Чижова В.П. Учебные тропы природы. Методические рекомендации для заповедников и национальных парков. Экоцентр «Заповедники». М.,1996.

<sup>5</sup> Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013.-248с.; Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан дарслик.- Т., 2018; Пўлатов М.Э. Бизнес фаолиятини баҳолаш интеграл мезонини ҳисоблаб чиқишнинг замонавий моделлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2011. - №4. - Б.23 -26. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 416 с; Пардаев М., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006.- 74 б.; Тухлиев И. С. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2010. -271 б., Тухлиев И., Қудратов Ф., Пардаев М. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: "Иқтисод ва молия" 2008.- 262 б.; Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири //Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро анжуман материаллари. Самарқанд, 2007.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси. СамИСИ, 2015 й. – 254 б., Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари// Монография. – Тошкент: Иқтисод, 2015 - 300 б. Усманова Д. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. и.ф.н. дисс.автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2009. - 25 б.; Норчаев А. "Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Номзодлик диссертацияси. 2004. -120 б.; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаш тириш. И.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. Самарқанд, 2017.; Матякубов У. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истикболлари (Хоразм вилояти мисолида). и.ф.н. дисс.автореф. Самарқанд, 2011; Алымов А.К. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф Самарқанд, 2018; Ибадуллаев Н. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). и.ф.н. дисс. автореферати. Самарқанд, 2010; Эштаев А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати Самарқанд, 2019.

ишларини олиб бориш давр талаби бўлиб қолмоқда ва айнан шу ҳолат диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-61 «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маркетинг тадқиқотлари негизида экотуризм самарадорлигини ошириш ҳамда мавжуд имкониятларни туристик салоҳият таркибига жалб қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«туруризм» ва «экотуруризм» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

экотуруризм рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг илмий ёндашувларини тадқиқ этиш;

экотуруризмнинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини баҳолаш ва уни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

экотуруризмнинг ташкилий тизимини такомиллаштиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни ташкил этиш;

экотуруризм фаолиятини ривожлантиришда маркетинг ахборот тизимидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

маркетинг тадқиқотларида экотуруризмни ривожлантиришнинг мултипликатив самарасини баҳолаш;

экотуруризм самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон экотуруризм ҳудудларидаги туристик хизматлар кўрсатувчи хўжалик субъектларининг маркетинг фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб экотуруризм самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида абстракт-манتيкий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, ижтимоий сўровнома, SWOT-таҳлил, статистик ва иқтисодий таҳлил, эксперт баҳолаш ҳамда сегментлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«туруризм» тушунчасининг моҳияти иқтисодий даромадлар тақсимоти ва даромадлилик сегментларини яратиш, «экотуруризм» тушунчасининг моҳияти «сайёҳлик, маданият ва экология» ўзаро боғлиқлиги жараёнида химояланган экологик ҳудудда ривожланиб, уни сақлашга йўналтирилганлиги каби омилларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;



алохида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд ва геопарк (ҳудуд)лар фаолияти самарадорлигининг маркетинг стратегияси геоахборот тизими негизида ҳудудларда давлат кадастри талаблари, ҳудуд таркибига кирувчи салоҳиятли табиий ресурслар ва биологик хилма-хилликнинг мақсадли параметрлари ва иқтисодий натижавийлик асосида такомиллаштирилган;

«Китоб», «Бадай-Тўқай», «Зарафшон» ва «Ҳисор» давлат кўрикхоналарини дифференциациялашган маркетинг стратегияси негизида ривожлантириш ҳамда экологик турмаҳсулотлар таркибини уларнинг фаунаси ва флораси билан такомиллаштирган ҳолда истеъмолчиларни кенг миқёсда жалб қилиш асослаб берилган;

юқори туризм салоҳиятига эга бўлган қишлоқларнинг экологик туризм йўналишлари Миронкўл қишлоғи мисолида ишлаб чиқилиб, уларни «туризм қишлоғи» мақоми миллий реестрига киритиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экотуристик маҳсулотни туристик хизматлар бозорида илгари суриш тизими жараёнларни шакллантириш алгоритми воситасида такомиллаштирилган;

ҳудудий экотуризмнинг мультипликатив самарасини ҳисоблашда мультипликатор коэффиценти ва истеъмолга маржинал мойиллик асосидаги экотуристик маҳсулотни ишлаб чиқиш ( $T = \frac{P}{(1-ИММ)}$ )ни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

туристик фирма рақобатбардошлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш асосида туристик маҳсулотни илгари суриш тизими таклиф қилинган;

экотуризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ташкилий ва иқтисодий омиллар аниқланган ва уларни бартараф этиш йўллари тавсия қилинган;

ҳалқаро стандартларга мос экотуристик маҳсулотни ишлаб чиқиш, малакали кадрлар тайёрлашда «Экология ва рекреация туризми» янги таълим йўналишини ташкил қилиш тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, SWOT-таҳлил ва социологик сўровномаларнинг махсус талаблар асосида ўтказилгани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, шунингдек олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақада экотуристик хизматларни ривожлантиришнинг назарий ва методик асосларини шакллантириш имконияти мавжудлиги, маркетинг тадқиқотлари асосида туристик корхоналар хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шу асосда экотуристлар талабини тўлиқ кондириш имкониятини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан туризм соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, прогнозлар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан фойдаланиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимида туризм ва хизматлар соҳасида иқтисодчилар, менежерлар, маркетинглар, туроператорларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маркетинг тадқиқотлари негизида экотуризм самарадорлигини ошириш ҳамда мавжуд имкониятларни туристик салоҳият таркибига жалб қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«туризм» ва «экотуризм» тушунчалари моҳиятининг такомиллашган таърифлари бакалаврият йўналиши талабалари учун мўлжалланган «Туризмда меҳмонхона хизматлари» ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-081-сон гувоҳномаси). Натижада, туризм ва экотуризмнинг моҳиятини кенгроқ тушуниш орқали уни ташкил этишнинг самарали йўналишлари тўғрисида талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантириш имконига эришилган;

алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд ва геопарк (ҳудуд)лар фаолияти самарадорлигининг такомиллашган маркетинг стратегияси бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётида жорий этилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 03-09/4479-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш биологик хилма-хилликнинг давлат мониторингини ўтказишга ва давлат кадастрининг ягона ахборот маълумотлар базасини яратишга хизмат қилган;

«Китоб», «Бадай-Тўқай», «Зарафшон» ва «Ҳисор» давлат кўриқхоналарини дифференциациялашган маркетинг стратегияси негизида ривожлантириш бўйича таклифлардан Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 03-09/4479-сон маълумотномаси). Мазкур давлат кўриқхоналарини маркетинг стратегияси негизида истиқболда ривожлантириш ҳудудларнинг фауна ва флораси билан яқиндан танишиш имконини берувчи бетакрор экологик турмаҳсулотларни тақдим этиш имкониятларини кенгайтириш негизида туристеъмолчилар сонини кескин ошириш имконини берган;

кишлоқларнинг экологик ва рекреацион туризм учун туристик йўналишлари ва уларга «туризм қишлоғи» мақомини бериш бўйича таклифлардан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётида ҳамда туризмни ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 03-09/4479-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш натижасида кишлоқларнинг туристик, жумладан

экотуристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга ва меҳнат ресурслари бандлигини оширишга кўшимча имкониятлар яратилган;

иқтисодиётга экотуризмнинг билвосита таъсирини ва экологик туристларнинг жамланма харажатларини ҳисобга олган ҳолда макро масштабда экотуризмнинг мультипликатив самарасини ҳисоблаш ҳамда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ҳисобига экотуризм самарадорлигини ошириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётида фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 03-09/4479-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш экотуризмдан олинган даромад занжир реакциясини вужудга келишини, бир экотуристдан олинган даромад унинг экотуристик дестинацияда товар ва хизматларни харид қилиши билан боғлиқ харажатларини аниқ баҳолашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экотуризм самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида туризм самарадорлигини оширишда «туризм» ва «экотуризм» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, Ўзбекистон экотуризмининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ташкилий ва иқтисодий омиллари ҳамда экотуризм рақобатбардошлигини

таъминлашда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг илмий ёндошувлари ёритилган.

Тадқиқотимизда туризм самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлашда «туризм» ва «экотуризм» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини аниқлаб олиш лозим бўлди. Бизнингча «туризм» тўлов қобилиятига эга мижознинг мамлакатга келишини таъминлаб, уни маҳаллий хизмат кўрсатиш индустрияси қўлига топширади. Бу ерда туризм асосий ташкилотчи сифатида иштирок этиб, даромаднинг кичик бир қисмигагина компенсация сифатида эга бўлади. Иқтисодий даромадларнинг катта қисми эса миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида намоён бўлиб, уларда туристик харажатлардан келиб чиқадиган даромадлилик сегментларини яратади. Бу ерда туризмдан келувчи пул оқимларини худуддаги ўз маҳсулотларини сотишдан шаклланган пул оқимларидан фарқлаш керак, чунки кейингиси худуд ичида капитал ўсишга олиб келмайди.

Илмий адабиётларда экотуризм атамаси ўрнига бошқа атамалар, яъни «табiiй» туризм, «юмшок» туризм, «яшил» туризм, «маъсулиятли» туризм ва «хайрия» туризми кабилар ишлатилади. Туризмнинг бундай турлари учун баъзи унсурлар бир хил бўлса ҳам бу атамалар бир-бирининг синоними ҳисобланмайди ва бири иккинчисининг ўрнини эгалламайди.

Бизнинг фикримизча экотуризм - атроф-муҳитга таъсирни, истеъмолни ва харажатларни минималлаштириш ҳамда маҳаллий даражада инсонларнинг ёввойи табиатда яшаши ва уни ўрганишга йўналтирилган, табиатга бўлган саёҳатнинг экологик барқарор шакли ҳисобланади. Одатда, туризмнинг ушбу шакли ҳимояланган худудларда ривожланади ва ушбу худудларни сақлашга ҳисса қўшиш учун мўлжалланган бўлади.

Тадқиқотлар натижасида экотуризм тизими ривожланишига таъсир этадиган омиллар бир нечта гуруҳларга ажратилган (1-жадвал). Бунинг натижасида мамлакатдаги экологик ва экотуризм тизимининг ривожланишига таъсир этадиган бир гуруҳ омиллар аниқланган.

Ушбу омиллар ташқи ва ички гуруҳларга ажралган ҳолда ижтимоий-демографик, ишлаб чиқариш, ташкилий-институционал, экологик, ижтимоий-иқтисодий, интеграциялашув, иқтисодий омилларга ажратилган. Ушбу омиллар бугунги кунда мамлакатдаги экологик ва экотуризм тизими соҳасининг ривожланганлик даражасини кўрсатади.

Шундай қилиб, экотуризм тизими асосида туристик фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган тамойиллар ётади. Булар: билимни оширадиган ёки саргузашт сайёҳатлари (пиёда, отда, сувда, тоғда, сайр ва ҳоказо), талабалар таътиллари, орметологик турлар, илмий турлар ва экспедициялар, дам олиш кунли экскурсиялари, ёзги болалар лагерлари ва ҳоказо.

**Экотуризм тизимининг ривожланишига таъсир этадиган омиллар  
гуруҳлари<sup>6</sup>**

<b>Экотуризм тизими ривожланиши</b>		
<b>Ижтимоий-демографик:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• урбанизациялашув жараёнларининг тезлашиши;</li> <li>• аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсиши;</li> <li>• атроф-муҳит тозалиги билан боғлиқ ўлим сонининг ортиши;</li> <li>• шаҳар худудларида яшил зоналарнинг камайиб бориши.</li> </ul>	<b>Ташкилий-институционал:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• экотуризм ҳамда экологик ривожланиш соҳасини тартибга соладиган қонунлар ва қонун ҳужжатлари;</li> <li>• экологик тараққиёт соҳасидаги давлат сиёсати;</li> <li>• аҳолининг барча қатламлари бўйича экологик туризм тизими қамровини ташкил этиш.</li> </ul>	<b>Интеграциялашув:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• экологик интеграция жараёнларини қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари;</li> <li>• экология ва экотуризм соҳасида мамлакатнинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлик даражаси;</li> <li>• экология ва экотуризм тизими соҳасида глобаллашув жараёнларининг ривожланиши.</li> </ul>
<b>Ишлаб чиқаришга оид:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ишлаб чиқариш жараёнининг тез суръатлар билан ортиши;</li> <li>• табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланиш ҳолати;</li> <li>• ишлаб чиқариш жараёнининг экологик талабларга мослиги;</li> <li>• ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ижтимоий ривожланиш даражаси.</li> </ul>	<b>Экологик:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• умумий экологик аҳвол;</li> <li>• экологик саводхонлик даражаси;</li> <li>• табиий-иқлим шароитлари;</li> <li>• экотуризм соҳасида санитария-гигиена шароитлари;</li> <li>• рекреацион ресурслар мавжудлиги.</li> </ul>	<b>Иқтисодий:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси;</li> <li>• аҳолининг номинал ва реал даромадлари;</li> <li>• камбағаллик кўрсаткичлари;</li> <li>• даромадларнинг гуруҳлар бўйича бўлиниши;</li> <li>• экотуризм хизматларидан фойдаланиш даражаси;</li> <li>• аҳоли жон бошига тўғри келадиган соф даромад миқдори;</li> <li>• ишлаб чиқариш кучларининг худудлар бўйича жойлаштирилиши;</li> <li>• ишлаб чиқаришнинг табиий ресурслардан кенг фойдаланиш даражаси.</li> </ul>
	<b>Ижтимоий-иқтисодий:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• аҳолининг экологик таълим ва касбий тайёргарлик даражаси;</li> <li>• саломатлик ва маданият даражаси;</li> <li>• аҳоли даромадларининг мунтазам ошиши;</li> <li>• корхона ва ташкилотларда ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси;</li> <li>• корхоналарнинг қайта тикланадиган энергия манбааларидан фойдаланиш даражаси.</li> </ul>	

Тадқиқот натижасида экотуризмнинг қуйидаги муҳим таркибий қисмлари аниқланди:

туристик таълим, яъни сайёҳларнинг билим ва кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган табиатнинг диққатга сазовор бўлган туристик маҳсулотларини яратиш;

маршрутда ресурслардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни, сайёҳлар ва сайёҳлик операторларини ёввойи табиатни муҳофаза қилиш кампанияларида иштирок этишини назарда тутадиган экотизимларни саклаш;

<sup>6</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

махаллий жамоаларнинг урф-одатларини хурмат қилиш маданиятлараро алмашинувга имкон яратади.

Туризм самарадорлигини оширишда экотуризм табиий ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бугунги кунда сайёҳлик, маданият ва экология манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган мураккаб жараён эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон экотуриزمи соҳасида маркетинг тадқиқотлари амалда деярли қўлланилмайди. Йирик туроператорлар фаолиятига оид ўтказилган тадқиқотлар, истеъмолчи таомиллари ва бозор ҳолати мазкур соҳанинг ривожланиш ҳолатини тўлақонли акс эттира олмайди ва соҳага оид илмий асосланган прогнозлар қилиш имконини бермайди. Тадқиқот натижасида экотуризм туроператорлари учун маркетинг тадқиқотларининг қуйидаги асосий йўналишлари аниқланди:

1. Туристлар ва турагентлар ўртасида туристик бренднинг таниқлилиги рейтингини ишлаб чиқиш.

2. Муайян туроператор йўналиши кесимида вазият таҳлилин алоҳида амалга ошириш. Бунда аввало экотуризм бозорида етакчи (йўналиш кесимида юқори тажриба ва нуфузга эга бўлган) туроператорлар мавжудлиги, етакчи туроператорлар билан ўзаро муносабатларни аниқлаш, бозорнинг туристлар ва туроператорларни жалб қилиш имкониятининг чегаравий қийматини баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

3. Бозорнинг жорий ва истиқболдаги ҳолатини тамомила янги йўналишлар кесимида баҳолаш. Бу ерда асосий диққат эътибор Ўзбекистон экотуризм бозори учун янги ҳисобланган туристик йўналишларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бозор салоҳиятини баҳолаш ва аниқлаш, потенциал мижозларнинг мазкур ҳолатда янги дастурларга бўлган муносабатини аниқлаш ва манфаатларини белгилаб олишга қаратилади.

4. Реклама самарадорлигини баҳолаш. Мазкур ҳолатда, бозор сегментида туроператорнинг умумий (фирманинг туристлар ва турагентлар ўртасидаги ижобий имижини шакллантириш) ёки муайян йўналишлар кесимидаги реклама тадбирлари таҳлил қилинади.


5. Турагентлар билан алоқаларни таҳлил қилиш. Бунга турагентларнинг турли туроператорлар билан ҳамкорлик муносабатларидан мамнунлик (қониқиш) даражаси таҳлил қилинади ва даврий равишда такрорланиб келаётган энг асосий муаммо ва камчиликлар, кучли ва заиф жиҳатлари аниқланади.

6. Экотуристлик маҳсулот сифатини таҳлил қилиш. Мазкур йўналишда туроператорлар томонидан таклиф қилинаётган туристик хизматларнинг сифатини назорат қилиш, дам олиш ва экскурсия дастурларидаги салбий ҳолатларни аниқлаш (жумладан, қабул қилувчи томон нуктаи назаридан туристларни зарурий ахборот билан ва менежерларнинг иш фаоллигини таъминлаш).

7. Муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш. Тадқиқотнинг мазкур босқичида туроператорнинг мавжуд муаммоларни ҳал қилишига тўсқинлик қилаётган ҳамда унинг даражаси ҳақидаги ҳар қандай масалалар кўриб

чиқилиши мумкин. Бу ҳолатда маркетинг тадқиқотларининг асосий вазифаси ушбу муаммоларни янада аниқлаштириш ва вазият ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида экотуризм рақобатбардошлигини оширишда маркетинг тадқиқотларининг ташкилий жиҳатдан туристик маҳсулотни илгари суриш тизимини яратиш жараёнлари аниқланди (1-расм).



**1-расм. Экотуристтик маҳсулотларни илгари суриш тизими алгоритми<sup>7</sup>**

Ўзбекистонда ҳар бир турфирма маркетинг тадқиқотлари мавзуси ҳамда ҳажмини ўз имкониятлари ва маркетинг ахборотларига бўлган талаб доирасида мустақил белгилайди, шунинг учун ҳам турли турфирмалар томонидан ўтказиладиган маркетинг тадқиқотлари тури ҳам ўзаро фарқ қилади. Албатта, турфирмалар томонидан маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳар доим ҳам арзонга тушмайди. Бугунги кунда турфирмаларда маркетинг

<sup>7</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

тадқиқотларини ўтказиш ҳақиқатда қимматга тушмоқда, турфирма сотуви фойдасининг 2-3% ини ташкил қилади. Бизнингча, экотуристтик бозорни ўрганишдаги маркетинг тадқиқотлари учун бундай маблағни тежаб қолишга ҳаракат қилган ҳар қандай тадбиркор учун кўп нарсани йўқотиш билан белгиланади. Бугунги кунда экотуризмни тизимли равишда қўллаб-қувватлаш масаласи хануз ҳал қилинмаган, ҳудудий ва маҳаллий бошқарув органлари туризмнинг мазкур турини ривожлантиришдан бевосита манфаатдор эмас. Экотуристтик ресурслардан оқилона фойдаланиш мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги, туроператорлар ва маҳаллий бошқарув органларининг мазкур йўналишдаги ҳамкорликларнинг ташкилий жиҳатлари ҳамда муайян туристик дестинацияда экотуризмнинг ижтимоий ва иқтисодий самарасини баҳолаш муаммолари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Бизнингча, экотуризмни ривожлантиришда тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, пухта ташкиллаштирилмаганлиги табиий кўриқланадиган ҳудудларга жуда катта зиён етказди. Ўзбекистонда табиий кўриқланадиган улкан ҳудудлар мавжуд бўлиб, унга 13 та кўриқхона, 14 та ландшафт (комплекс) заказник, 3 та табиий парк, 2 та биосфера резервати, табиат ёдгорликлари, ноёб турларга кирувчи хайвонларни кўпайтириш республика марказий – «Жайрон» экомаркази, қатор ўрмон хўжаликлари, овчилик жамиятлари ва бошқа тоифадаги кўриқланадиган ҳудудлар мавжуд. Барча кўриқланадиган ҳудудларда (кўриқхоналар, табиий парк ва биосфера резерватлари бундан мустасно) туризмнинг барча турлари билан шуғулланишга рухсат берилади (2-жадвал).

2–жадвал

### Ўзбекистонда жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўйича маълумотлар<sup>8</sup>

№	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар	Сони, бирлик	Майдони, минг га	МЭТХ-ларда ги улуши, %
1.	Давлат кўриқхоналари	13	201,7	7,7
2.	Давлат миллий боғлари	4	598,7	23,0
3.	Қуйи Амударё давлат биосфера резервати	2	68,7	2,6
4.	Табиий питомниклар	1	158,9	6,1
5.	Давлат буюртмахоналари	14	1572,4	60,4
6.	Табиат ёдгорликлари	10	3,7	0,2
	<b>Жами</b>	<b>36</b>	<b>2604,1</b>	<b>100,0</b>

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва уларни тегишли бошқарув тузилмаларидан рўйхатдан ўтказиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган туристик маршрутлар рўйхати 149 та

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.



йўналишдан иборат бўлиб, барча турмаршрутлар стандарт тарзда ишлаб чиқилган.

Аммо, мавжуд биронта туристик йўналишда алоҳида экотуризм маршрутлари ҳисобга олинмаган, 149 та амал қилаётган туристик маршрутлардан атиги 5 тасига экотуристлик объектлар киритилган ҳолос. Экологик маршрутлар тузишда Ўзбекистонда махсус турфирмаларнинг сони ниҳоятда кам бўлиб, ушбу турфирмаларда малакали кадрларнинг йўқлиги, экотуристлик ресурслардан фойдаланиш даражасининг пастлигига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон шароитида экотуризмни ривожлантиришда иқтисодий, шу жумладан, айрим ташкилий омиллар тўсқинлик қилмоқда. Диссертацияда ушбу омиллар ва уни бартараф этиш вазифалари батафсил келтирилган.

Диссертациянинг «**Экотуризм самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон экотуриزمи самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили, маркетинг тадқиқотини ўтказиш асосида экотуризмни ривожлантиришнинг мултипликатив самарасини баҳолаш ва экотуризм самарадорлигини баҳолашда маркетинг ахборот тизимидан фойдаланиш хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Ҳозирги пайтда баҳс-мунозараларга сабаб бўлган туристик оқими кўрсаткичларини аниқлашда, шунингдек Ўзбекистонга келувчи туристлар оқимини ҳисоблашда туризм соҳасида етакчи ташкилот ҳисобланган UNWTO (*United Nations World Tourism Organization - Бутунжаҳон туризм ташкилоти*) методологиясини қўллашни лозим топдик. Чунки бугунги кунда жаҳоннинг 167 давлати мазкур ҳисоблаш усулидан фойдаланади. Унга кўра, бирор мамлакатга ишга жойлашишдан бошқа ҳар қандай мақсадда ташриф буюрган ҳамда у ерда бир сутка ва ундан ортиқ вақт туриб қолувчи шахс турист ёки меҳмон ҳисобланади.

Ўзбекистонга туристик мақсадларда ташриф буюрган хорижий фуқароларнинг улуши жуда кам – 7,1 % бўлиб, 2019 йилда ташриф буюрган жами 6433,0 минг хорижий фуқаролардан атиги 450,3 минг киши туристик мақсадларда ташриф буюрган. Шундан, бевосита экотуризм мақсадида ташриф буюрган хорижий фуқароларнинг сони профессор О.Хамидов томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра туризм мақсадлари бўйича келганларнинг 30% ини ташкил қилади. Демак, 2019 йилда бевосита экотуризм мақсадида келган туристларнинг сони 135 минг кишини ташкил этган. Улкан табиий экотуристлик ресурс салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон учун бу кўрсаткич (135 минг киши) республикада туризм соҳасини ривожлантиришнинг амалдаги талабларига мутлоқо жавоб бермайди.

Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларидан ҳисобланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТХ) 2604,1 минг гектар майдонни ёки мамлакат ҳудудининг 5,8 фоизини эгаллаб турибди. Аммо Ўзбекистонда алоҳида кўрикланадиган табиий ҳудудлар ва табиий объектлар, турли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий маъмуриятлар тасарруфида турибди. Бу ҳолат экотуризмни бошқариш нуқтаи назаридан катор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Маркетинг тадқиқоти жараёнида сўровнома ўтказиш орқали мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришга, унинг салоҳиятини оширишга таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлил қилинди. Тадқиқотда Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амударё, Нурота, Сурхондарё, Қашқадарё, Қорақалпоғистон, Хоразм, Туркистон, Бухоро, Самарқанд ва Наманган вилоятларидаги туристик фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлардан респондентлар, хусусан мутахассислар ва туристлар жалб этилди.

Экотуризмнинг маркетинг тадқиқотини сегментация усулида, сўровнома ўтказиш орқали таҳлил қилиш натижасида Самарқанд вилоятидаги юқори туризм салоҳиятига эга бўлган қишлоқларнинг экологик ва рекреацион туризм учун туристик йўналишлари, Миронкўл қишлоғи мисолида ишлаб чиқилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Самарқанд вилояти Миронкўл қишлоғида экотуризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари<sup>9</sup>

Дам олиш тури ва туризм	Ташкил қилинган туризм	Ташкил қилинмаган туризм
Билим орттириш турлари (экологик ва этнографик)	Ёшлар (25 ёшгача), болали оилалар, нафақадагилар, чет элликлар, олимлар	Ёшлар (16–30 ёш), боласиз эр-хотинлар, ижодий ходимлар, таътилдагилар
Экотурларда тоғлар бўйича трекинг	Спортчилар, ёшлар, боласиз эр-хотинлар, таътилдагилар	Ёшлар (30 ёшгача), боласиз эр-хотинлар, таътилдагилар
Экотурларда тоғларда отда сайр қилиш	Болали ва боласиз оилалар, ёшлар(30 ёшгача), чет элликлар	Боласиз эр-хотинлар, тадбиркорлар, ижодий ходимлар
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти оромгоҳида фестиваллар, шоу, концертлар, экологик ва маданий тадбирлар	Ёшлар (30 ёшгача), болали оилалар	Ижодий ходимлар, ёшлар (30 ёшгача), боласиз оилалар
Ҳордиқ олиш, спорт турлари (чанғи, параглайдинг, альпинизм)	Спортчилар, ёшлар (30 ёшгача)	Спортчилар, ёшлар (30 ёшгача)
Қуёш ванналари, сув муолажалари, организмни бўшаштириш (релаксация)	Нафақадагилар, ёшлар (30 ёшгача), болали оилалар, таътилдагилар	Нафақадагилар, ёшлар (30 ёшгача), болали оилалар, бизнесменлар
Маҳаллий йўл бошловчилар билан доривор ўсимликларни йиғиш	Нафақадагилар, таътилдагилар	Нафақадагилар, тадбиркор-тайёрловчилар
Экотурларда балиқ ови ва каклик, ёвойи чучқа ов туризми. Экстремал ва тоғ туризми	Ўрта ёшлилар (30 ёшдан ошганлар, бизнесменлар, овчилар)	Ўрта ёшлилар (30 ёшдан ошганлар)

Ушбу туризм йўналишларини жорий қилиш натижасида Миронкўл қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш билан бирга туризм соҳасида

<sup>9</sup> Ташриф буюрувчи туристлар ва маҳаллий хонадон вакилларида сўровнома асосида муаллиф таҳлили .

фаолият олиб борувчи субъектларни (меҳмонхона ва меҳмон уй эгаларини) кўллаб-қувватлаш мақсадида туризмни ривожлантириш Давлат кўмитаси томонидан Миронкўлни юқори туризм салоҳиятига эга кишлоқ сифатида «туризм кишлоғи» мақомини бериш учун миллий реестрга киритиш асосномаси таклиф қилинди.

Хозирги пайтда иқтисодиётнинг туризм соҳаси фаолият юритишидан олинган самарадорликни баҳолаш муаммоси кам ўрганилган бўлиб, деярли аниқ усуллар ишлаб чиқилмаган. Қоидага кўра, туристлар томонидан сарфланган маблағларнинг барчаси ҳам биринчи циклдаёқ сарф бўлиб кетмайди. Унинг маълум қисми жамғарилади ва ҳудуддан ташқарида сарфланади. Ҳудуд ташқарисида сарфланган маблағлар улуши қанчалик кам бўлса, мултипликатор самараси шунчалик катта бўлади.

Экотуристлар томонидан қилинган харажатларининг даромад, бандлик ва импортга таъсирини баҳолаш учун мултипликаторнинг турли моделлари мавжуд. Биз томонимиздан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида экотуризмнинг мултипликатив самараси мамлакат миқёсида баҳоланди. Олинган маълумотлар ва келтирилган чекланишлар асосида экотуризмнинг мамлакат иқтисодиётига билвосита таъсири ва экотуризмнинг мултипликатив самараси ҳисоблаб чиқилди.

Ўзбекистонга бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган туристларнинг мамлакатдаги ўртача харажати Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг маълумотларига кўра 2019 йилда қуйидагича бўлган: Қозоғистон - 158,3 доллар; Қирғизистон - 99,3 доллар; Тожикистон - 60,4 доллар; Туркменистон - 104,6 доллар; бошқа МДҲ мамлакатлари - 635,6 доллар; узоқ хорижий мамлакатлар - 709,4 доллар.

Ушбу маълумотлар асосида, Ўзбекистонга барча мамлакатлардан ташриф буюрган ҳар бир нафар хорижий туристларнинг мамлакатдаги ўртача харажати 314 АҚШ долларни ташкил қилмоқда. Экотуристлик мултипликатор доирасида экотуристлик харажатлар айланмасининг динамикасини ҳисобга олган ҳолда, экотуризмнинг билвосита таъсирини умумлашган ҳолда қуйидагича тасвирлашимиз мумкин:

$$K = P + P * IMM + IMM^2 + P * IMM^3 + \dots + P * IMM^n$$

$$T = \frac{P}{(1 - IMM)}$$

$$k = \frac{1}{(1 - IMM)} = \frac{1}{ЖММ}$$

Бу ерда: **K** - мултипликатор коэффициенти; **ИММ** - истеъмолга маржинал мойиллик; **ЖММ** - жамғаришга маржинал мойиллик; **P=const**; **T** - экотуристлик маҳсулотни (хизматни) ишлаб чиқиш.

Бундай баҳолаш моделларининг қўлланилиши мамлакатнинг иқтисодий товар айланмаси тизимида талаб ва истеъмолда мувозанатни ҳамда

инвестициянинг ўзгармас параметрлари бўлишини талаб этади. Иқтисодиётга киритилган инвестициялар сифатида хорижий туристларнинг мамлакатдаги ўртача харажати  $P=314$  долларни ташкил қилди. Мазкур баҳолаш даврида хорижий туристларнинг харажатлари ва истеъмолга маржинал мойиллик (ИММ) ҳам ўзгармас деб қабул қилинди.

Узоқ муддатли даврда истеъмолга маржинал мойиллик ўсиш хусусиятига эга бўлади, қисқа муддатли даврда (бир йилгача бўлган давр) истеъмолга маржинал мойиллик паст бўлади. Бизнинг мисолимизда истеъмолга маржинал мойилликнинг ўртача статистик қиймати 2019 йилда 0,65 ни ташкил этган. Тадқиқот ишида келтирилган баҳолаш моделидан фойдаланган ҳолда қуйидаги кўрсаткичлар олинди:

$$T = \frac{P}{(1 - МСИ)} = \frac{314}{(1 - 0,65)} = 897\$$$

$$K = \frac{1}{(1 - МСИ)} = \frac{1}{(МСИ)} = \frac{1}{(1 - 0,65)} = 2,85$$

Ўзбекистонга 2019 йилда ташриф буюрган хорижий фуқаролардан 450,3 минг киши туристик мақсадларда ташриф буюрган бўлса, шундан экотуризм мақсадлари бўйича келганлар 30% ни ташкил қилмоқда. Ҳар битта экотуризм мақсадида келган туристнинг мамлакатдаги ўртача харажати  $314\$ \cdot 30\% = 94,2\$$  ташкил қилмоқда. Бизнинг ҳисобларимиз бўйича мультипликация коэффиценти  $k=2,85$ га тенг бўлди, ушбу маълумотларни тадқиқот давомида олинган баҳолаш натижалари билан боғлайдиган бўлсак, ҳар битта экотуристнинг амалга оширган харажати  $94,2\$ \cdot 2,85 = 268,4\$$  мультипликатив самара беради. Бевосита экотуризм мақсадида 2019 йилда келган экотуристлар сонини ҳисобга олсак, мамлакатимиз бюджетига қўшимча равишда бир йилда  $135 \text{ минг} \cdot 94,2\$ = 12,7 \text{ млн. \$}$  мультипликатив самара олишимиз мумкин. Бунда мультипликатив самара Ўзбекистонда экотуристлар амалга оширган харажатларнинг 15 маротаба айлангани ҳисобидан олингани аниқланди.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш жумладан, туризм бозорининг SWOT-таҳлили натижаларига кўра, республикада туризмни ривожлантириш имкониятлари жуда катта бўлиб, булар қаторига Қуйи Амударё биорезерватида, туристик ва рекреация салоҳияти юқори булган Нукус шаҳрида, Эликқалъа, Қўнғирот, Мўйноқ, Тўрткўл, Хўжайли, Амударё туманларида туризм ва меҳмонхона хўжалиги хизматларини, экотуризмни, зиёрат, спорт ва соғломлаштириш, археоэкотуризмни янада ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди (4-жадвал).

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун туристик фирмалар рақамлаштириш технологиялари асосида маркетинг ахборотларини тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилиш тизимига эга бўлиши керак. Бу аввало

маркетинг ахборот тизимини тўғри танлаш ва ракамлаштириш технологияларидан самарали фойдаланишдан иборат.

#### 4-жадвал

### Ўзбекистонда туризм бозорининг SWOT таҳлили<sup>10</sup>

Кучли томонлар	Заиф томонлар
